



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг



САЙЛОВ — 2019

2-саҳифага қаранг.

**айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида**

(Давоми 3-бетда).

Касаба уюшмалари тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

2-модда. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Конунда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

касаба уюмчиси – фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқийши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодашда ҳамда химоя қилиш мақсадида тузилгандаги, ўз ўстаби асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат биришмаси;

(Давоми 3, 4-бетлард

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Кейинги йилларда чорвачилик-
ни ислоҳ қилиш, жумладан, соҳа-
нинг бошқарув тизимини янада та-



Шундан келиб чиқиб, бу йил Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва соҳани келгуси 10 йилликда ривожлантириш бўйича Стратегияни қабул қилдик.



Президент мактаби тақдимида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори С. Бобохужаев, Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси А. Саъдуллаев иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган суратлар

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА, АЛБАТТА, ЭРИШАМИЗ



Ўзбекистон Экологик партияси ўз дастурий вазифаларини, сайловолди позициясини амалга оширишда партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини қўллаб-қувватлайдиган, экология бўйича етарли тажриба тўплаган, фаоллиги билан Ватанимиз манфаатига садоқат ила хизмат қиладиган, экологияни ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳоли соғлигини сақлаш, санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш бобида амалга оширилаётган ислохотларни тушуниб етган, ташкилотчилик қобилиятига эга фуқароларга таянади.

Хаво мусаффолигини таъминлаймиз

Хайрулла ГАППАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Инсоният ҳаёти учун энг муҳим омил бўлган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг сифат кўрсаткичларининг экологик нормативларга мослигини таъминлаш бугунги кўннинг глобал муаммоларидан биридир. Зеро, хаво ифлосланиши инсон, ўсимлик, ҳайвотот, умуман, жамкии тирик мажмуотларга зарарли таъсир кўрсатади.

БМТ маълумотиға кўра, дунёдаги ҳар ўн кишининг тўққиз нафари ифлосланган ҳаводан нафас олар экан. 91 фоиз аҳоли эса ҳавоси ифлосланган ҳудудларда яшамокда. Одамлардаги юрак касалликларининг 25 фоизи, шол касаллигининг 24 фоизи, ўпка касалликлари ва ўпка саратонининг 43 фоизи ифлосланган ҳаводан нафас олиш боис келиб қаёқтир.

Мутахассислар томонидан қайрағоч дарахти табиий шароитда 350 — 400 йил, шаҳар хибёнарида 120 — 220, серкатнов йўллар атрофида эса 40 — 50 йил яшаш аниқланган. Йирик саноат, металлургия, кимё, кончилик корхоналари атрофида қишлоқ ҳўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги 25 — 30 фоиз, сифат кўрсат-

кичи 40 — 50 фоиз камайиши, автомобиль йўли четида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари таркибида кўрошин бирикмалари ҳамда айрим кимёвий моддалар белгиланган меъёрдан 5 — 10 баробар кўпроқ тўпланиши ҳам аён.

Бугун юртимизда 99,5 минг тургун ифлослантирувчи манбага эга 3,5 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда 2,816 миллиондан зиёд кўча ифлослантирувчи манбалар, яъни автотранспорт воситалари мавжуд. Атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори 1991 йилдан 2006 йилгача қарийб икки баробар камайган бўлса, 2010 — 2018 йиллар оралигида бу кўрсаткич қарийб 1,3 баробар ортгани ачинарлидир. Йирик шаҳарларда, масалан, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил этади.

Партиямиз ҳаво ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди:

биринчидан, кўкаламзорлаштирилган ҳудудларни, айниқса, шаҳар ва автомобиль йўллари четида яшил ҳудудларни кенгайтириш, йирик шаҳарлар атрофида “яшил қалқонлар” ташкил этиш;

иккинчидан, ёнилғилар сифатини янада яхшилаш ҳамда экологик тоза транспорт воситаларини кўпайтириш, кенг жамоатчилик учун қўлай бўлган велойўлакчалар қуриш;

учинчидан, иқтисодиётнинг барча баҳҳасида яшил, экологик тоза, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, технологик ва маънан эскирган ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш;

тўртинчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни амалиётга кенг қўллаш;

бешинчидан, уй ва биноларни қуришда энергия ва ресурс тежамкор материаллардан фойдаланиш;

олтинчидан, атмосфера ҳавосига ташланмаларнинг асосий қисмини чиқарувчи кўча ифлослантирувчи манбаларга нисбатан доимий манбаларга қўлланилган иқтисодий механизмларни қўллаш ва буларни тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларида акс эттириш.

Хавонинг ифлосланишига қарши курашнинг яхши усуллари-дан бири шаҳарлар, улар атрофини кўкаламзорлаштириш, боғу роғлар, гулзорлар, маданият ва истироҳат боғлари, хибёнолар, дарахтзорлар, ўрмонлар барпо этиш, корхоналар ва шунга ўхшаш жойлар атрофини кўкаламзорлаштириш ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси санитария-гигиена ва эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, шаҳарнинг қурилиш-архитектура комплексиға қўшилиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, табиатни асраш, экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва келажак авлодининг мусаффо муҳитда яшаш ҳуқуқини қафолатлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Ҳайвонларга шафқатсизлик қилишнинг олди олинади

Содиржон ЖАКБАРОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши аъзоси:

— Бугунги кунда инсоннинг ҳайвонларга муносабати керакли да-ражада тартибга солингани йўқ. Масалан, уй ҳайвонларига нисба-тан шафқатсизлик каби муносабатда бўлаётган шахслар кўпинча потен-циал жиноятчилар бўладилар ва маньяк-қотил сифатида 8 — 12 ёшда-ноқ шакллана бошлар экан.

“Mehr va oqibat” ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятининг статис-

ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳайвонларга нисба-тан шафқатсиз муносабатда бўлаётган шахслар кўпинча потен-циал жиноятчилар бўладилар ва маньяк-қотил сифатида 8 — 12 ёшда-ноқ шакллана бошлар экан.

“Mehr va oqibat” ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятининг статис-

бу муаммо юзасидан билдирилган жамоатчилик фикри ва халқро тажриба асосида Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқишини ва қабул қилинишини;

ҳуқумат даражасида ҳайвонлар, масалан, қаровсиз жониворларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш бўйича тегишли қарор ҳамда узоқ муддатли истиқболдаги умумдавлат мақсадли дастури қабул қилинишини;

тик маълумотларига кўра, 2014 — 2018 йилларда фақатгина Тошкент вилояти ва пойтахтимизда фуқаролардан ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳақидаги 4 мингдан ортиқ аризалар келиб тушган. Бундай таъшишли ҳолатлар юртимиз аксарият ҳудудларида кузатилиб, бу борадаги кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бормоқда ва 2014 йилда ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда

бўлиш ҳолатлари 494 тани, 2016 йилда 720 тани, 2018 йилда эса 1014 тани ташкил қилган.

Тўғри, партиямиз ташаббуси билан шу йил май ойида ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 111-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарлик қўйайтирилди. Аммо, шунга қарамаздан, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муно-



сабатда бўлиш ҳолатлари ҳамон қайд этилмоқда.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш тарафдоримиз

Қамол ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Хоразм вилояти партия ташкилоти раҳбари:



— Кейинги йилларда экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизмлари-ни, фермер ҳўжалигини юритиш учун ер участкасини бериш тартибини, ветеринария, ўсимликлар карантини, уруғчилик ҳамда яйловлардан фойдаланиш борасида-ги муносабатларни такомил-лаштириш ҳамда ер ва сув тўғрисидаги қонун ҳужжат-ларини бузганлик учун жавоб-гарлик чораларини қўйайти-ришга қаратилган ҳуқуқий асо-слар янада мустаҳкамланди.

Бу каби омиллар мамла-катимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини бошқариш тизимини тўбдан ислоҳ қилиш, қишлоқ ҳўжа-лиги ишлаб чиқаришда тар-кибий ислохотларни янада

тайёр маҳсулот ишлаб чиқа-риш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратишга кўмак берапти.

Айтиш жоизки, 2019 йил-да 59 янги пахта-тўқимачи-лик кластери ташкил этилиб, уларнинг сони 75 тага ет-ган. Пахта-тўқимачилик кластерларига 633 минг гектардан ортиқ ёки чигит экиладиган майдоннинг 61 фоизи берилди.

Келгусида пахта етишти-рувчи 133 та тумандан 70 таси тўлиқ кластер тизимига ўтади ва улар таркибида 41 янги корхона очилиб, 23 мингга яқин иш ўрин-лари яратилади. 2020 йил-га бориб пахта толасини республикада тўлиқ қайта ишлашга ўтилади ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини 60 фоизга етказиш режалаштирилган.

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги Фармони

ҳамда Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кон-цепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл хари-таси” қабул қилиниши узоқ-ни кўзлаган давлат сиёса-тининг мантикий давоми сифатида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Соҳага оид муносабатлар-ни ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш мақсади-да 18 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, шу жумладан, Сув кодексини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимиз ривожининг янги босқичида барча соҳалар каби қишлоқ ва сув ҳўжалигида ижро этилиши белгиланган вазифалар партиямизнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб, уларни амалга оши-риш йўлида бор куч ва ғай-ратимизни аямаймиз. Бу йўлда биз “яшил иқтисо-диёт”га ўтиш мамлакатимиз-ни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантиришнинг муҳим омилли, деб биламиз.

Партия қуйидагиларни ўз фаолиятининг устувор йўналишлари деб ҳисоблайди:

✓ фуқароларнинг қўлай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлигини сақлаш борасида кенг жамоатчилик сый-ҳаракатларини бирлаштириш;

✓ давлат органларининг мавжуд экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонун ҳўжатлари ижроси юзасидан самарали парламент ҳамда жамоатчилик назоратини ташкил этиш;

✓ глобал, минтақавий, маҳаллий экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда экологик ҳолатни барқарорлаштириш ишида жамоатчиликнинг фаол иштирокини кўчатириш;

✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

✓ аҳолининг экологик хавфсизлиги ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданият оммалаштирилишини таъминлаш, экологик маданиятни юксалтириш, бунда юксак маънавият, ижтимоий онг ва тафаккур орқали миллий анъана ва қадриятларимизга амал қилиб, она табиатни асраб-авайлашга эришиш;

✓ ўсиб келаётган ёш авлодда экологик онгни, билимни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш асосида экологик таълим самарадорлигини янги босқичга кўтариш;

✓ ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига энергия ва ресурсларни тежайдиган, камчиқим, экологик тоза инновация технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;

✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида Ўзбекистон манфаатини ҳимоя қилган ҳолда, халқро ва хорижий экологик ташкилотлар билан алоқаларни изчил ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш.

Экологик саводхонлик жуда муҳим

Абдуғаффор ҲАЗАРОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси:



— Биз аҳолининг, айниқ-са, ёшларнинг экологик жи-ҳатдан юксак маънавиятли ва маданиятли бўлиши та-рафдоримиз.

Биз аҳоли ва ўсиб ке-лаётган ёш авлодининг эко-логик саводхонлигини оши-риш, экологик онги ва эко-логик маданиятини ривож-лантириш, соҳага доир таъ-

лим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган ишларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокига таянамиз.

Бу йўналишда қуйидагиларни амалга оширмоқчимиз:

✓ Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини ҳаётга изчил ва самарали татбиқ этиш;

✓ экология соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари, иқтисодиёт ва бошқарув, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва раҳбар-кадрларнинг экологик билим совиасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

✓ экологик таълим-тарбия жараёнига масофадан туриб ўқитиш учун ахборот ресурсларини яратишни ўз ичига олган зомонавий АКТни жорий этиш;

✓ ёшларнинг экологик тарбияси борасида оила ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари сый-ҳаракатларини бирлаштириш.

Ўз навбатида, экологик маданиятни ошириш вази-фасини ҳал этиш учун та-биат ва инсон уйғунлигига эришишни, келгуси авлод-лар учун уни асраб-авайлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежамли фойдала-нишдек асрий анъана-қад-риятлардан иборат маданий ва табиий меросга таяниш-ни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Албатта, бу вазифаларни давлат органлари, сиёсий партиялар, нодавлат ноти-жорат ташкилотлари, ОАВ ва

фуқаролик жамияти инсти-тутлари билан яқин ҳамкор-ликда бажарамиз.

Мавжуд экологик муаммо-ларга жамоатчилик эътибо-рини қаратиш, уларни изчил ҳал этиш, аҳолининг бу бо-радаги хабардорлигини ошириш мақсадида ОАВ бил-лан ҳамкорлик қўйайтирила-ди ҳамда ўқимизнинг босма оммавий ахборот воситала-ри, интернет ресурслари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизни ташкил этамиз.

Доимий равишда

✓ аҳолининг атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, фуқаролар соғлигини муҳофазалаш бўйича кўрилоётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаш;

✓ экологик таълим-тарбия тизимини ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълимни ривожлантириш;

✓ мамлакатимизнинг ноёб табиатини халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисми сифатида асраб-авайлашга интиламиз.

Халқро ҳамкорликнинг ўрни беқиёс

Абдурахим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Партиямиз атроф-му-ҳитни муҳофаза қилиш ма-саласи чегара билмаслиги-ни ҳисобга олиб, халқро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан шу йўна-лишда ҳамкорлик алоқала-рини изчил ривожлантиради ҳамда мустаҳкамлайди.

Биз Ўзбекистон халқро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини инобатга олиб, экологик хавфсизлик-ни таъминлаш, барқарор ри-вожланишга доир самарали халқро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ўз ҳисса-мизни қўшамиз.

Шу маънода, яқин қўшни давлатлар билан юритилаёт-ган очиқ, дўстона ва праг-матик давлат сиёсатини маъқуллаймиз, минтақамиз-даги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик му-аммоларни ўзаро манфаат-ларни ҳисобга олган ҳолда, амалий мулоқот ва халқро ҳуқуқ нормалари асосида ҳал этиш тарафдоримиз.

Ушбу йўналишда асосий эътиборни

✓ Оролбўйини “Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди” деб эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш учун кўмаклашиш;

✓ БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқро ва хорижий молия институтлари маълумларини жалб қилиш бўйича тадбирларни ўтказиш, амалга оширилган лойиҳаларнинг тизимли мониторингини юритишга;

✓ ШХТнинг минтақада атроф-муҳит ифлосланишини камайитириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, биологик хилмаҳилликни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлашни назорда тутиш “яшил белбоғ” дастури қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш ҳамда уни амалга оширишда фаол иштирок этишга;

✓ экологик масалалар бўйича имзоланган конвенциялар ҳамда икки ва кўп томонлама шартнома ва меморандумлар бўйича Ўзбекистон тарафи ўз зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш, истиқболли янги халқро ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ва такомиллаштиришда қўнашишга;

✓ турли халқро экологик тадбирларни ташкил этиш, уларда партия вакиллари иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг яқиний ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ва позициясини ҳар томонлама ҳимоя қилишга;

✓ миллий қонунчиликка халқро экологик стандартлар ва меъёрларни синдириш ҳамда ривожланган мамлакатлар амалиётини татбиқ этишга;

✓ Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт” ва “аккли” қишлоқ ҳўжалиги дастурларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда жорий этишга;

✓ атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича устувор дастур ва лойиҳаларни инвестициялашга халқро молия институтларини жалб қилиш каби қатор долзарб масалаларга қаратамиз.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

⚡(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **60-модда:** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг илтимосига кўра, ишда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар билан бир қаторда унинг қатта ёшдаги яқин қариндошларидан бирининг ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;
3) **61-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонуний вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганлигидан хабардор бўлиш; ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан холи учрашиш; ўзи вакиллик қилаётган шахс ушбу Кодексга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Қонуний вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахсга нисбатан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда иштирок этиши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг чақирувларига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар орқали тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга rioя этиши шарт»;

4) **121-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки қатта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокда уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин»;

5) **181-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан, агар ушбу шахс вояга етмаган ёки унинг руҳий ҳолати бузилган бўлса, унинг қонуний вакилининг, васийсининг ёки ҳомиясининг розилиги билан йўл қўйилади»;

6) **196-модданинг биринчи қисмидаги** «ўн олти ёшга тўлмаган» деган сўзлар «вояга етмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **442-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим»;

8) **552-модданинг матнидаги** «иштирок этишга ҳақлидир» деган сўзлар «иштирок этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **553-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вояга етмаган гумон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилиш ҳимоячи, қонуний вакил иштирокида амалга оширилади.
Ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига ва айбланувчига саволлар беришга ҳақли. Сўроқ ақуллангач, ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишишга ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақли.

Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик таъаффуси ҳисобга олмаганда олти соатдан ошмаслиги керак»;

10) **559-модданинг биринчи қисмидаги** «иштирок этишга ҳақли» деган сўзлар «иштирок этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**-ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Касаба уюшмалари тўғрисида

⚡(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бошлангич касаба уюшмаси ташкилоти – бир ёки бир нечта иш беврувчига ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюмаси аъзоларининг тегишли касаба уюмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмаси;
касаба уюшмаларининг бирлашмаси – ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилишига ва бирлигига эришиш мақсадида тармоққа доир, ҳудудий ёки касбий ўзига хослиқни ҳисобга олувчи бошқа белги бўйича тузиладиган ихтиёрий бирлашма;
касаба уюшмасининг бўлинимаси – касаба уюшмасининг уставиға мувофиқ ташкил этиладиган, тегишли ҳудудда унинг вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини амалга оширадиган бўлинима.

4-модда. Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи

Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фўқаролар, шунингдек ўрта махсус, касб-хўнар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар (бундан бўён матнда ходимлар деб юритилади) ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдидан рўхсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига rioя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

2-бoб. Касаба уюшмалари фаолиятининг принциплари

5-модда. Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;
ихтиёрийлик;
камситишга йўл қўймаслик;
мустакиллик ва ўзини ўзи бошқариш;
тенг ҳуқуқлилик;
ошқоралик ва очкиқлик.

6-модда. Қонунийлик принципи

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига сўзсиз rioя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

7-модда. Ихтиёрийлик принципи

Фўқаролар ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз танловига кўра ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш ва касаба уюшмаларига аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқиш, шунингдек меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин касаба уюшмасига аъзоликни саклаб қолиш тартиби ва шартлари тегишли касаба уюшмасининг устави билан тартибга солинади.

Фўқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек уларни касаба уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

8-модда. Камситишга йўл қўймаслик принципи

Касаба уюшмаларига мансублик ёки мансуб эмаслик фўқароларнинг қонун ҳужжатларида кафолатланадиган меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий, сивсий, шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бирор-бир тарзда чеклашга сабаб бўлмайди. Ишга қабул қилишни, ишда кўтариллишни, шунингдек ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишни муайян касаба уюшмасига қўйиш бўлиш, унга аъзо бўлиш ёки аъзоликдан чиқиш билан боғлиқ қилиб қўйиш тақиқланади.

Ходимнинг касаба уюшмасига аъзо бўлмаслигига ёки аъзоликдан чиқишга доир ёзма ёки оғзаки мажбуриятлари ҳақиқий эмас.
Ўзини касаба уюшмасига мансублиги ёки мансуб эмаслиги белгисига қараб камситилган деб ҳисобловчи шахс камситишни бартараф этиш, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёниён компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

9-модда. Мустикаллик ва ўзини ўзи бошқариш принципи

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида, шу жумладан молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустикалдиr, улар олдига ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касаба уюшмалари мустикал равишда ўз уставларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, ташкилий тузилмасини белгилайди, касаба уюмаси органларини сайлайди, ўз фаолиятини ташкил этади, йиғилишлар, шунингдек бошқа тадбирлар ўтказади.

10-модда. Тенг ҳуқуқлилик принципи

Касаба уюшмаларининг барча аъзолари ушбу Қонунда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, касаба уюшмаларининг уставларида ёки локал ҳужжатларда белгиланган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари борасида тенгдир.

Касаба уюшмалари тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан, касаба уюшмалари бирлашмасидаги иштирокидан ёки бошқа белгисидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эга.

11-модда. Ошқоралик ва очкиқлик принципи

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолияти ошқора ва очкиқдир. Касаба уюшмалари томонидан қабул қилинадиган уставлар ва низомлар оммавий ахборот воситаларида, Интернет

жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан касаба уюшмаларининг расмий веб-сайтларида албатта эълон қилиниши лозим.

3-бoб. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқларига rioя этилиши кафолатлари

12-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятига аралашмаслик кафолатлари

Давлат касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш беврувчилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқларига rioя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятига аралашшга, шу жумладан уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятини давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш беврувчилар ташаббусига қўра тугатишга йўл қўйилмайди.

13-модда. Касаба уюшмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қуватлаш

Давлат касаба уюшмалари фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий бюртмалар шаклида қўллаб-қуватлаши мумкин.

Давлат касаба уюшмалари фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тарзда ҳам қўллаб-қуватлаши мумкин.

14-модда. Касаба уюшмаларининг мулк ҳуқуқи кафолатлари

Касаба уюшмаларининг мулки дахлсиздир ва у қонун билан қўриланади. Касаба уюшмаларининг мол-мулкни национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

15-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимлар учун кафолатлар

Қуйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:
касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга – шу органининг розилигисиз;
ташкилот бўлимларидаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига – тегишли касаба уюмаси органининг розилигисиз;
ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига – тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз.

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини иш беврувчинг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига rioя этишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдидан олинган ҳолда йўл қўйилади, ташкилот касаба уюшмаси органининг раиси билан меҳнат шартномасини иш беврувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса, бундан ташқари тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари органларининг ишлаб чиқаришдаги ўз ишидан озод этилмаган аъзоларига жамоа шартномасида, келишувида белгиланадиган шартларга кўра меҳнат жаомасининг манфаатларини қўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши, шунингдек касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сакланган ҳолда таъб берилади.

Касаба уюшмалари органларининг аъзолари ишлаб чиқаришдаги ишидан касаба уюшмалари томонидан чақириладиган курултойларда, конференцияларда делегат сифатида, шунингдек касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида иштирок этиш вақтига озод қилиниб, уларга касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Касаба уюшмасининг уставида назарда тутилган ҳолларда ташкилотларда касаба уюшмаларининг ташкилотчилари ёки касаба уюшмаси гуруҳларининг ташкилотчилари сайланиши мумкин, уларга нисбатан ушбу моддада назарда тутилган кафолатлар татбиқ этилади.

16-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимлар учун кафолатлар

Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйилмадиган лавозимларга сайланганлиги тўғайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса уша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имкони бўлмаган тақдирда, улар қонун ҳужжатларида, жамоа шартномаларида, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланади.

17-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун меҳнатга оид қўшимча кафолатлар

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш беврувчининг ташаббусига кўра интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, шунингдек касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларини уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан кейин икки йил ичнда иш беврувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга маҳаллий меҳнат органининг олдидан розилигини олмасдан туриб йўл қўйилмайди.

18-модда. Иш беврувчининг касаба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари

Иш бевручи:
касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига rioя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартиш

1) **10-модда:**
тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Давлат боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонлиқнинг барча шаклларидан, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёҳуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва гайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини амалга оширади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат:
болага нисбатан эксплуатация ва зўравонлиқнинг барча шаклларининг олдини олиш, шунингдек уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

эксплуатация ва зўравонликка дучор бўлган болаларга зарур педагогик, психологик, тиббий, юридик ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар кўради»;

2) қуйидаги мазмундаги **11'-модда** билан тўлдирилсин:

«11'-модда. Жиноят процессининг иштирокчиси бўлган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари

Давлат судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган барча процессуал ҳуқуқларига rioя этилиши ҳамда бу ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши бўйича чоралар кўради.

Болага ҳар қандай руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни кўрсатмалар беришга ёки тиббни тан олишга мажбурлаш тақиқланади.

Судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида болаларга нисбатан улар қонуний вакилларининг иштирокисиз амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсга нисбатан процессуал ҳаракатлар унинг қатта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки ушбу шахснинг бошқа қонуний вакили иштирокда амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Боланинг ва унинг қонуний вакилларининг ҳимоячидан воз кечиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида жиноят процессининг иштирокчилари бўлган болалар учун бошқа кафолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг иҳросини, иҳрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 декабрь
№ ЎРҚ—587

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг рамзлари уларнинг раҳбар органи томонидан уставка мувофиқ тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилади.

23-модда. Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлиммаларини ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларини қайта ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тугатиш

Касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини, бўлиммаларини ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларини қайта ташкил этиш уставка белгиланадиган улар раҳбар органининг қарорига кўра амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлиммаларининг ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолиятини тугатиш улар раҳбар органининг қарорига биноан ёки суд тартибда амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлиммаларининг ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолияти маъмурий тартибда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

5-бoб. Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлиммалари ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг иқтисодий асослари

24-модда. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлиммаларининг ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулки

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс бўлган бўлиммалари ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз мулкига биноларга, иншоотларга, турар жойларга ва яшаш учун мулжалланмаган жойларга, асбoб-ускуналарга, инвентарларга, пул маблағларига, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағларига, қимматли қoғoзларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касаба уюшмасининг бўлинимси, бошлангич касаба уюшмаси ташкилоти тегишли касаба уюшмаси ёки унинг бўлинимси ёҳуд уларнинг аризасига кўра иш беврувчи томонидан ўзига хизмат кўрсатувчи банкда очилмадиган махсус банк ҳисобварагига эга бўлишга, мазкур ҳисобварақда турган пул маблағларини эркин тасарруф этишга ҳақли. Касаба уюшмаси ташкилотининг махсус ҳисобварағидан иш беврувчининг мажбуриятлари бўйича ундирувга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлиммаларининг ва бошлангич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкнини шаклантириш манбалари

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Касаба уюшмалари тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1, 3-бетларда).

28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиб олиниши шарт.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиб олиниши шарт.

29-модда. Жамоа музокараларини олиб боришга ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари манфаатлари улар томонидан ифода этилаётган ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб боришга, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга бўлган устувор ҳуқуққа эгадир. Иш бевувчининг вакили бўлган шахсларнинг ходимлар номидан жамоа музокараларини олиб бориши ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини тузиши тақиқланади.

30-модда. Бандликка қўмаклашиш соҳасидаги ҳуқуқлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари давлат бандлик дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бандликни таъминлаш, шу жумладан янги иш ўринларини ташкил қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш, ташкилотларнинг фаолиятини яхшилаш, ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни тақлиф этиш ҳуқуқига эга.

Иш бевувчи ходимларнинг манфаатларини ифода этувчи тегишли касаба уюшмасига ёки касаба уюшмалари бирлашмасига ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши аҳтимоили тўғрисида ўз вақтида, камидя икки ой олдин ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини ошматшига қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказаяди.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари иш бевувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини олти ойгача бўлган муддатта тўхтатиб туриш ҳақидаги тақлифларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эга.

Жамоа шартномасида ёки келишувда назарда тутилган ҳолларда, тегишли касаба уюшмасининг ёки бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг олдиндан розилигини олмасдан туриб меҳнат шартномасини иш бевувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, йўл қўйилмайди.

31-модда. Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари инсоннинг муносиб ҳаёт кеңиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимлари ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш чоғида тугатиш комиссияларининг ишида иштирок этишга ҳақли.

32-модда. Ахборот олишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун давлат органларидан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш бевувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

33-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат дастурларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

• ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларни ҳақида ахборот олиш;

• ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

• ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф тутилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳақида иш бевувчига тақлифлар киритиш;

• меҳнатни муҳофаза қилишининг ҳолатини ўрганиш, иш бевувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш;

• лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш объектларида меҳнат шaroитларининг хавфсизлиги экспертизасида, шунингдек лойиҳалаштирилаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш вoсита­ларининг хавфсизлиги экспертизасида иштирок этиш;

• ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш вoсита­ларини синовлардан ўтказиш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида мустақил экспертлар сифатида иштирок этиш;

• тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш; • техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

• меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганикда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат этиш;

• ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари қамқотилган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари иш бевувчилар томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини иш ўринларида амалга ошириш ҳуқуқига эга.

35-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишда ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари қонун ҳужжатларида

ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тартиби белгиланадиган меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ҳамда бошқа хизматлари ташкил этиши, шунингдек шартнома асосида тегишли мутахассислари жалб қилиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқишчи мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимономалар киритишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи талаблар бўйича давлолар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш чоғида судларда давлат божини тўлашдан озод этилади.

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларини тузишда ва уларнинг ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари Ўзбекистон Республикасининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган халқро шартномаларини тузишда ҳамда уларнинг ижросини мониторинг қилишда иштирок этиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари тегишли давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, иш бевувчиларнинг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномалари икхро этилиши тўғрисидаги ахборотини эшитишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, халқро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига, ташкилотларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

7-бoб. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш

37-модда. Жамоатчилик назоратининг объекти

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, иш бевувчиларнинг:

• ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ижросини таъминлашга;

• жамоа шартномалари ва келишувларини бажаришга, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳамда дастурларни рўёбга чиқаришга доир фаолияти жамоатчилик назорати объектидир.

38-модда. Мурожаатлар ва сўровлар

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат органлариға, уларнинг мансабдор шахсларига, иш бевувчиларга, уларнинг бирлашмаларига (иттифокларига, уюшмаларига) аризалар, шикоятлар ва тақлифлар билан мурожаат қилишга, уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ахборотни давлат органларининг, иш бевувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифокларининг, уюшмаларининг), ташкилотлар колегиял бошқарув органларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маълумотномаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни давлат органларидан сўраб олишга, шунингдек сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини бериши шарт бўлган ташкилотлардан сўраб олишга ҳақли.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ахборотга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот қонунда белгиланган тартибда шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

39-модда. Давлат органларининг, иш бевувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифокларининг, уюшмаларининг) очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат органларининг, иш бевувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифокларининг, уюшмаларининг) очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, мазкур органлар ўз очик ҳайъат мажлисларида уларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислариға ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда касаба уюшмаларининг энг оммавий бирлашмаси вакили тақлиф этилади.

40-модда. Жамоатчилик муҳокамаси

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат органлари, иш бевувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоклари, уюшмалари) қарорлари лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиши мумкин.

41-модда. Жамоатчилик эшитuvi

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бажариш бўйича эга бўлиб, мазкур органлар ўз очик ҳайъат мажлисларида уларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислариға

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда касаба уюшмаларининг энг оммавий бирлашмаси вакили тақлиф этилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бажариш бўйича иш бевувчиларнинг фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик эшитувларини ўтказиши мумкин.

Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг

ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бажариш бўйича иш бевувчиларнинг фаолиятига тааллуқли бўлган масалаларни муҳокама қилиш мақсадида жамоатчилик эшитувларини ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитувлари давлат органларининг, иш бевувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифокларининг, уюшмаларининг), фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ва касаба уюшмаларининг аъзолари иштирокида ўтказилиши мумкин.

42-модда. Жамоатчилик мониторинги

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари ижросининг жамоатчилик мониторингини ўтказиши мумкин.

43-модда. Жамоатчилик экспертизаси

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат органларининг, иш бевувчиларнинг, улар бирлашмаларининг (иттифокларининг, уюшмаларининг) қарорлари лойиҳаларини, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши мумкин.

Касаба уюшмаси, касаба уюшмаларининг бирлашмаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасининг мазмунидан умуман ёки унинг бирор-бир қисмидан норози бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилувчи органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўқинлик қилувчи ёки уларни қечковчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек бундай ҳужжатларни ўз қучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тасвирлари ва ёзма сўровлари кўриб чиқилиши шарт бўлиб, уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги асосли хулосалар кейинчалик касаба уюшмасига, касаба уюшмаларининг бирлашмасига юборилади.

Иш бевувчиларнинг қарорлари, жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси касаба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

44-модда. Касаба уюшмаларининг инспекцияларини тузиш

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ва бўлинмаларининг тузилишасида касаба уюшмаларининг тегишли инспекторлари фаолият кўрсатадиган инспекциялар (бундан бўён матнда касаба уюшмаларининг инспекциялари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг инспекцисии тўғрисидаги низои тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

45-модда. Касаба уюшмаларининг инспекторлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Касаба уюшмаларининг инспекторлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида:

• давлат органларидан, ташкилотлардан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш бевувчилардан, уларнинг бирлашмаларидан (иттифокларидан, уюшмаларидан) ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни, статистик маълумотларни ҳамда бошқа ахборотни сўраш ва бепул олиш;

• судларда ва меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббусига кўра ёхуд ходимларнинг илтимосига биноан вакиллар сифатида иштирок этиш;

• ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида, шунингдек касаба уюшмаси аъзоларининг мурожаатлари асосида ташкилотларга, иш жойларига бориш;

• ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлигини ҳамда касб касалликларини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари:

• қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши; • ташкилотларнинг молия-ҳужалик фаолиятига аралашмаслиги; • ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида танишиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлари ошкор этмаслиги, шу жумладан лавозимидан кетганидан кейин ҳам ошкор этмаслиги;

• тегишли касаба уюшмаси органига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг бузилишларини аниқлаганда, шунингдек мазкур қоидабузарликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоранда ахборотни тақдим этиши шарт.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари томонидан тақдим этиладиган ахборот тегишли касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари томонидан умумлаштирилади ва уларнинг расмий веб-сайтларида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда ҳар йили, келгуси йилнинг 1 майдан кечиктирмай эълон қилиниши лозим.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ҳамда уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

46-модда. Жамоатчилик назоратининг натижалари

Жамоатчилик назоратининг натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома, кўрсатма, тақдимонома шаклидаги ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклдаги яқуний ҳужжат тўғйрланади.

Яқуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсиялар ва тақлифлар давлат органлари ҳамда иш бевувчилар томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Давлат органлари ва иш бевувчилар кўриб чиқиш натижалари ҳақида тегишли касаба уюшмаларини, уларнинг бирлашмаларини хабардор қилади.

Иш